Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 24 декабрь, № 266 (7224) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 7 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

1-модда. 26 январь Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ—507

Бизнинг интервью

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига шу йилнинг ўтган ўн ойида мамлакатимиз ва хорижий давлат фуқаролари ҳамда омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 8 894 та мурожаат келиб тушган. Хўш, бу камми ёки кўп? Умуман, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда ваколатли орган томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Улуғбек МУҲАММАДИЕВ билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

— Мурожаатларнинг 36,5 фоизи шахсий ҳуқуқларга, 35,1 фоизи ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларга, 24,8 фоизи иқтисодий ҳуқуқларга, 2,7 фоизи сиёсий ҳуқуқларга ва 0,5 фоизи экологик ҳуқуқларга тегишлидир. Мурожаатларни ҳудудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, энг кўпи, яъни 1954 таси Тошкент шаҳри, 1013 таси Тошкент вилояти, 908 таси эса Қашқадарё вилояти аҳолиси ҳиссасига тўғри келади, — дейди У. Муҳаммадиев. — Энг кам мурожаат Сирдарё — (153 та) ва Андижон (245 та) вилоятларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (256 та)дан бўлган.

Аризалар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 1271 тасига Омбудсман томонидан қонунчилик билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан ёзма ҳамда оғзаки маслаҳатлар берилди. Шунингдек, 6640 таси кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборилди.

Тан олиш керак, аввалари мурожаатларга "кабинет"дан жавоб қайтарилган бўлса, бугун бу ҳолат тамоман ўзгарган. Шикоятларни ўрганиш учун тегишли ташкилот вакиллари ҳамкорлигида ҳудудларга чиқиб, фуқаролар билан учрашилмоқда. Буни ҳисобот даврида 44 та шикоят юзасидан жойига чиқиб ўрганиш учун қўшимча равишда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам жалб этилганидан билиш мумкин. Омбудсман томонидан иш юритувига олинган мурожаатларнинг 536 таси ўз ечимини топди.

Мурожаатларнинг мавжудлиги халқни рози қилиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳали етарли эмаслигини кўрсатади. Демак, барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда янада жиддий ишлашимиз керак. Бу — давр талаби.

➡2

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ КОРХОНАЛАР

ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ КЎПАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2018 ЙИЛ — ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Бугун юртимизда саноат соҳасидаги ишлар кўлами ҳар қачонгидан ортган. Истиқболли лойиҳалар туфайли корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ошяпти, янги иш ўринлари яратилмоқда. Натижада одамларнинг ҳаётини ижтимоий жиҳатдан юксалтиришга эришилаётир.

Андижон вилоятида фойдаланишга топширилаётган янги корхоналар олдига қўйилган вазифалар ҳам улкан. Улар нафақат ички бозорни сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан таъминлайди, айни чоғда экспорт фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашади. Мисол учун, Бўз туманидаги "Сабо" калава ип ишлаб чиқариш корхонасини олайлик. "Сайёра фаввораси" МЧЖга қарашли мазкур корхонада 103 миллиард сўмлик иш бажарилди. Пировардида бу ерда йилига

5 000 тонна маҳсулот тайёрлаш имкони юзага келди. ➡2

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси:

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

23 декабрь куни Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг V Мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибидан дастлаб Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (ВКП)га аъзоликка киришига оид масала жой олди.

Маълумки, хорижий давлатларнинг касаба уюшма марказлари, шунингдек, халқаро касаба уюшма бирлашмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг муҳим стратегик йўналишларидан биридир. Бугунги кунда мазкур йўналишда кўпдан-кўп самарали натижаларга эришилмоқда. Янги ва муҳим амалий қадамлардан яна бири — Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (ВКП) билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши эса халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу ташкилот томонидан қўллаб-қувватланиш имконини яратиши шубҳасиз.

➡2

Маълумот ўрнида:

Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида давлатлараро миқёсда кенг тан олинган халқаро ташкилот ҳисобланади, МДҲ қатнашчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясида кузатувчи мақомига эга, МДҲнинг Иқтисодий кенгаши, шунингдек, бошқа давлатлараро органлари ишида фаол қатнашиб келади. Шу билан бирга, БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади, унга Европа бўйича минтақавий маслаҳатчи, БМТ жамоат билан алоқалар Департаментининг нодавлат ташкилотлари Қўмитаси, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашида маслаҳатчи мақомига эга.

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ АҲЛИНИ БАҒРИКЕНГЛИККА ЧОРЛАДИ

БМТ томонидан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси, мана, бир неча кундирки, халқаро ҳамжамият, кенг жамоатчилик вакиллари, диншунослар, экспертлар диққат марказида бўлиб турибди. Мухбиримиз улардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Бахтиёр ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили:

— Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мазкур резолюция БМТнинг нафақат барча аъзо-давлатлари томонидан қабул қилинди, балки 50 дан ортиқ мамлакатлар унинг ҳаммуаллифи сифатида қўшилди. Бу эса Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббус ҳозирги пайтда халқаро миқёсда жуда долзарб эканлигини яққол ифодалайди.

Умуман олганда, БМТда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш жуда юқори. Бу давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган фаол ташқи сиёсат ва кенг кўламли ички ислоҳотлар самараси билан боғлиқ.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази директори:

— БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси тузилмага аъзо давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланиб, қабул қилиниши, шубҳасиз, барчамизда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Мазкур ҳужжат Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни қарор топтиришда жуда катта аҳамиятга эга.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, диний бағрикенгликни кафолатлашда отабоболаримизнинг маънавий меросидан фойдаланиш, хусусан, маърифий ислом қадриятларига таяниш ҳар жиҳатдан муҳим. Чунки турли экстремистик оқимлар ислом ақидаларидан ўзларининг тажовузкор ва қўпорувчилик мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқда. Бунга қарши курашиш учун "Жаҳолатга қарши маърифат" ғоясини қўллаш, албатта, кутилган натижаларни беради.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази олдига ҳам улуғвор вазифаларни қўяди. Бузғунчи оқимлар ғояларига маърифат асосида қарши курашишда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий сингари алломаларнинг асарлари муҳим ўрин тутади.

Ушбу резолюция ўзбек дипломатиясининг тарихий ютуғи бўлиши билан бирга, унда халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятини ўзаро ҳамжиҳатликка ва бир-бирига нисбатан бағрикенгликка чорлови мужассамдир.

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Андижон вилояти бош имом-хатиби:

— Дин, бу — маърифат. Исломнинг асл моҳияти тинчлик ва тотувликни тарғиб қилишдан иборатдир.

Ислом нафақат мусулмонлар, балки ўзга дин вакилларига ҳам яхши муомала ҳамда муносабатда бўлишга даъват этади. Шунинг учун ҳам юртимизда азал-азалдан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласига алоҳида урғу берилиб, ушбу мезон жамиятнинг барча жабҳасида ҳаётий тамойил, кундалик қоидага айланган.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи халқаро учрашув ҳамда конференциялар, илмий анжуманлар, ўзаро мулоқотларда фаол муҳокама мавзуига айланди. Инсониятни ташвишга солаётган долзарб муаммолар кўтарилган ва уларни ҳал этиш бўйича оқилона ечим ҳамда таклифлар берилган мазкур чиқиш халқаро ислом ташкилотлари, маърифатли мусулмон жамоаларида ҳам қизғин қутиб олинди.

Гап шундаки, дунё бўйлаб глобал инқирозларга нисбатан турли қарашлар ифода этилаётган бир вақтда Ўзбекистон томонидан "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида вужудга келган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси сайёрамиз аҳолиси учун катта самара беради.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ

2018 йилнинг январь — ноябрь ойлари мобайнида мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан

198,8 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **112** фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида қуйидаги иқтисодий йўналишларнинг ҳиссаси алоҳида бўлди:

7,9% Қайта ишлаш саноати

3,7% Тоғ-кон саноати ва карьер қазиш ишлари

0,2% Электр таъминоти, газ етказиб бериш ва сунъий иқлим ҳосил қилиш

0,2% Ичимлик суви таъминоти, канализация, чиқиндиларни утилизация қилиш

Кичик бизнеснинг саноатдаги катта улуши — 34,9%

Маҳаллий Кенгашларда

ИШСИЗЛИК — долзарб муаммо

Сессияларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи салкам йигирма кун мобайнида Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани ҳамда Навоий шаҳридаги жами 78 маҳаллада фуқаролар билан учрашиб, уларни ташвишга солиб келаётган 6 мингга яқин муаммоларни аниқлади. Ўрганиш натижалари халқ депутатлари Қизилтепа тумани ҳамда Навоий шаҳри Кенгашлари сессияларида муҳокама этилди.

Хусусан, вилоятнинг Қизилтепа туманида ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммоларнинг ҳар саккизинчиси бандлик ва газ таъминоти, ҳар ўнтасидан биттаси ичимлик суви, ички йўллар аҳволи билан боғлиқ бўлса, электр энергияси ҳамда кўмир таъминотига доир эътироз 193, мактабгача таълим муассасалари бўйича 56 тани ташкил этади. Шу боис мазкур муаммоларнинг 2571 таси, яъни 80 фоизи сессия муҳокамасига қадар бартараф этилди.

Сессияда ўрганишлар давомида ўта оғир деб топилган "Варозун" ва "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги қатор ижтимоий масалалар билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш долзарблигича қолаётганлигига эътибор қаратилди. Бир маҳалладан 142 киши четга иш излаб чиқиб кетгани муроса қилиб бўлмайдиган ҳолат, дея баҳоланди.

➡2

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси:

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

1

Шу боис Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясини мазкур халқаро касаба уюшмалари бирлашмасига аъзоликка қабул қилиш юзасидан музокаралар олиб борилиб, ушбу масалани Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилишида кўриб чиқиш, йиғилишни эса Тошкент шаҳрида ўтказиш ҳақида келишувга эришилган эди.

Бугун пойтахтимизда Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (ВКП) Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши ўз ишини бошлайди. Унда Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг нуфузли делегацияси вакиллари — Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси раҳбарлари ва аъзолари, хусусан, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Президенти Михаил Шмаков, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти, МДҲ ўрмон хўжалиги тармоқлари Халқаро касаба уюшмалари Федерацияси раиси Виктор Карнюшин, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Бош котиби Владимир Шчербаков, тармоқ касаба уюшмалари Халқаро бирлашмалари мутасаддилари, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон каби хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари марказлари раҳбарлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари иштирок этадилар.

Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (ВКП) Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилишида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясини Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати материаллари асосида З. ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

1

— Жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш Омбудсманнинг доимий эътиборидаги масаладир. Бу борадаги мурожаатлар, уларнинг ечимига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатлар Омбудсман томонидан алоҳида назорат қилиб борилади.

Таҳлилларга кўра, ҳисобот даврида инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил манзилига озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахслардан турли мазмундаги 743 та мурожаат келиб тушган.

2018 йилда қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўйича назорат-таҳлилий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга оид жадвалга кўра, Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Омбудсман ҳамкорлигида 20 та жазони ижро этиш муассасасига мустақил мониторинг ўтказиш мақсадида борилди.

Унинг доирасида 3,5 мингдан ортиқ маҳкумлар билан жамоавий ва шахсий учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, уларни сақлаш шароитлари, тиббий хизмат кўрсатилиши, меҳнат, умумий таълим, ахлоқий ҳамда маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилганлик даражаси ўрганилди. Мониторинг натижаларига мувофиқ, сўнгги пайтдаги ислоҳотлар натижасида бу борадаги саъй-ҳаракатлар халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нормаларига мос амалга оширилаётганини таъкидлаш ўринли. Лекин шу билан бирга, айрим жазони ижро этиш муассасалари биноларини таъмирлаш, кутубхона фондини янги бадиий, илмий-оммабоп ҳамда ҳуқуқий адабиётлар билан бойитиш, спорт объектларини керакли инвентарлар билан таъминлаш, сув таъминотидаги муаммоларни ҳал этиш, иситиш тизимлари билан жиҳозлаш каби қатор камчиликлар ҳам аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Вакил томонидан қийноқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш фактлари мавжуд бўлган мурожаатлар таҳлили парламент палаталарига тақдим этиб борилмоқда.

— Одам, айниқса, чақалоқлар савдосига қарши курашиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганига қарамай, бугун муаммолар талайгина. Бу бўйича қандай амалий саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда?

— Дарҳақиқат, бугун давлат томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид барча чора-тадбирлар кўрилаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда ўзгалар, ҳатто аксарият ҳолатларда ота-оналар томонидан бола ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши, унинг шахсий дахлсизлигига тажовуз қилиш, шу аснода чақалоқ савдоси билан боғлиқ салбий ҳолатлар учрамоқда.

Омбудсман томонидан 2018 йилнинг биринчи ярмида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идороларо комиссиясининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ижроси ҳамда одам савдосига қарши курашиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида амалга оширилган ишлар, шунингдек, одам савдоси қурбонига айланган чақалоқлар тақдири Вакил ташаббуси билан ўрганилди.

Ҳудудларда айрим ваколатли давлат органларининг одам савдоси қурбонига айланган чақалоқларнинг тақдирига бефарқ қараётганлиги, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаётгани маълум бўлди.

Шу боис аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идороларо комиссиясига ўз таклифларимизни киритдик. Унда оналар ва гўдаклар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудий идороларо комиссиялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, чақалоқларга туғуруқхонадан жавоб беришни тартибга солувчи тасдиқланган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш каби масалалар қамраб олинган.

Шунингдек, жорий йилда Хоразм, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 20 та мажбурий даволаш муассасаси, руҳий-асаб касалликлари клиник диспансерлари, Мурувват уйларида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ҳолати юзасидан мониторинглар ўтказилди.

Мониторинг натижалари, баъзи муассасаларда санитар-гигиеник қоидаларга риоя қилинмаслиги, айрим психотроп дори воситаларининг етарли эмаслиги, муассаса раҳбариятининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги туфайли ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар, ногиронлиги бор шахслар ҳамда болаларнинг қонуний манфаатлари бузилаётганлигини кўрсатди.

Бу бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдимнома ҳамда Бош прокуратурага илтимоснома киритилди.

Шундан келиб чиқиб, Андижон вилояти психоневрология диспансерининг масъул шахсларига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган. Бош прокуратура томонидан ўтказилган текшириш натижасига асосан, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдимнома киритилиб, 5 та ноқонуний ҳужжатга протест келтирилган, 5 нафар масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати Вакил назоратида бўлиб, қонунга мувофиқ амалий чоралар кўрилмоқда.

Албатта, мурожаатлар сони ва мазмунидан келиб чиқиб, аҳоли ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда янада фаолроқ бўлишимиз талаб этилади. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири мужассам.

«Халқ сўзи» мухбири Раҳим ШЕРҚУЛОВ суҳбатлашди.

Мурожаатларнинг
36,5 фоизи шахсий ҳуқуқларга,
35,1 фоизи ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларга,
24,8 фоизи иқтисодий ҳуқуқларга,
2,7 фоизи сиёсий ҳуқуқларга ва
0,5 фоизи экологик ҳуқуқларга
тегишлидир.

ИШСИЗЛИК — долзарб муаммо

Сессияларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

1

Тумандаги "Арабон", "Зарметан", "Ванғози" маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи, 60 минг нафарга яқин аҳоли, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектлари ҳамда мазкур ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 36 та фермер хўжалигининг салкам 2 минг гектар экин майдони учун сув чиқариб берадиган электр насослари қўшни Бухоро вилоятидаги электр тармоғига уланган. Ҳар куни 19-20 соатлаб огоҳлантиришсиз чекловлар киритилиб, электр энергиясининг узиб қўйилиши аҳолининг эътирозига сабаб бўлмоқда. Сессияда бу масалани республика мутасадди идоралари эътиборига ҳавола этишга келишиб олинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан туманда йўловчи транспорти қатнови бўйича тизимли ишлар олиб борилмагани, хусусан, туман марказидан олис ҳудудлар учун маршрутлар мавжуд эмаслигига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Чунончи, "Янги ҳаёт" МФЙнинг Янгиқудуқ, Чайдарос, Янги турмуш қишлоқлари мактабларидан 11-12 километр олислиги ва автоулов қатнови йўлга қўйилмагани болаларга қийинчилик туғдирмоқда.

Ўрганишлар жараёнида маданият муассасалари фаолияти, бўш турган бинолардан фойдаланиш борасида ҳам бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Сессияда уларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Навоий шаҳридаги "Ҳосил" ва "Боғишамол" боғдорчилик ширкатидаги дала-ҳовлилар атрофи ҳамда "Ҳаёт", "Истиқлол", "Янгиариқ", "Меъмор" маҳалла фуқаролар йиғинлари ижтимоий, коммунал масалалар нисбатан оғир бўлган ҳудудлар сифатида қайд этилди.

Мазкур манзилларда аҳолининг коммунал масалалар билан боғлиқ муаммолари ечилмаган, ички йўллар, йўлаклар, ижтимоий соҳа объектлари таъмирга муҳтож ҳолатда. Жумладан, шаҳарнинг "Ҳосил" ва "Боғишамол" боғдорчилик ширкатлари ҳудудидаги 1600 та дала-ҳовлининг 90 фоизида аҳоли доимий истиқомат қилади. Аммо уларнинг доимий яшаши билан боғлиқ масалалар ҳалигача тўлиқ ҳал этиб берилмаган. 2006 йилдан боғдорчилик ширкатлари балансига берилган электр линиялари, трансформатор ва симёғочларни Навоий шаҳар электр тармоқлари корхонаси балансига олиш талаб этилади. Ҳудудда ноқонуний чиқиндихоналар ҳосил бўлган, ички йўллар ҳолати ҳам талабга жавоб бермайди.

Сессияда шаҳардаги бўш турган, қурилиши тугалланмаган, самарали фойдаланилмаётган объектларни инвестиция дастурларига киритиш ва янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги алоҳида уқтирилди.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг сессиясида аҳолини уй-жой билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Энг баланд аттракцион фойдаланишга топширилди

Пойтахтимиздаги "Anhor-Lokomotiv" боғида юртимиздаги энг баланд аттракцион ишга туширилди. "Анҳор юлдузи" номли мазкур чархпалакнинг юқори нуқтаси 72 метрни ташкил этиб, унда 48 та ёпиқ кабина мавжуд. Шундан 8 таси "VIP" турда бўлиб, тўрт кишига мўлжалланган ва юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Оддий кабиналар эса ўз ичига 6 кишини сиғдиради.

Кабиналар ўзига хос иллюминациялар билан безатилган. Шу билан бирга, ундан пойтахтимиз манзарасини томоша қилиш имконияти мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 272 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган чархпалакнинг тўлиқ айланиш вақти 12 дақиқани ташкил этади.

Мазкур қурилма Янги йил арафасида пойтахт аҳли ва меҳмонлари учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.

Боғ мутасаддиларининг айтишича, чархпалакда бир марта айланиш нархи оддий кабиналарга киши бошига 12 минг, "VIP" учун 20 минг сўм этиб белгиланган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ КОРХОНАЛАР

ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ КЎПАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1

— Иш бошлаганимиздан кейин туманимизнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ортади, — дейди корхона раҳбари Ботир Қодиров. — Лойиҳанинг келгуси босқичида бу ерда мато тўқилиб, кийимкечак тайёрлаш йўлга қўйилади. Йилига 10 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш ниятимиз бор. меҳнат қилмоқда. Кунига 12 тонна пахта хом ашёси қайта ишланяпти. Жамоа шу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. 2021 йилга қадар яна 3 та лойиҳа бажарилади. Натижада пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишчилар сони эса 500 нафарга етади. Илк натижаёқ эътиборга лойиқ. Ўтган ойда тайёрланган 100 тонна калава ип хитойлик буюртмачиларга етказиб берилди. Келгуси йилдан бошлаб экспорт қўлами яна кенгаяди. Чунки Украина ҳамда Эрон давлатларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда корхона маҳсулоти юқори баҳо олиб, бир қатор шартномалар имзоланди.

Бўз тумани бир пайтлар чўлдан иборат эди. Эндиликда саноатлашган манзилга айланиб бормоқда. Ўтган йили ҳудуд корхоналари томонидан 65 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Қисқа фурсатда мазкур кўрсаткич янада ортади. Боиси 110 миллиард сўмлик 6 та лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Шундай корхоналардан яна бири Улуғнор туманида иш бошлади. "Водий саноат фахри" МЧЖга қарашли "Sof tex" калава ип йигирув фабрикасида йилига 9 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилади. 205 миллиард сўмлик лойиҳа асосида қурилган ушбу саноат субъектида 220 нафар хотин-қиз

Умуман, бу истиқболли лойиҳалар маҳаллий эҳтиёжнигина эмас, балки хорижий буюртмачилар талабини қондиришга ҳам хизмат қилади. Пировардида юртимиз иқтисодиёти равнақи ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга замин яратилади.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

«ХАВФСИЗ ХОНАДОН» КОНЦЕПЦИЯСИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

"Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз ҳудуд", "Хавфсиз туризм". Кейинги пайтларда юртимизда ана шундай муҳим концепциялар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқдаки, барчаси ўз моҳиятига кўра тинчлик-осойишталикни таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Энди улар сони яна биттага кўпайди.

Давлатимиз раҳбарининг "Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига "Хавфсиз хонадон" концепциясини жорий этиш белгилаб берилди.

Хусусан, 2022 йил 31 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудида Тошкент шаҳрида амалга оширилган техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига хабарни узатиш ҳамда марказлашган кузатувнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш илк вазифа сифатида кўзда тутилган.

Ушбу концепцияга нега зарурат туғилганини қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин: шу йилнинг ўтган 10 ойида мамлакатимиздаги 2316 та хонадонда ўғрилик қайд этилган. Қолаверса, республикамиздаги 11,7 минг хонадонда қўриқлаш ускуналари ўрнатилган бўлиб, бу миқдор умумий қамраб олиш бўйича 0,97 фоизни ташкил этади. Аниқроғи, 1 фоизга ҳам етмайди.

Ҳудудлар бўйича эса умумий миқдорда 1,1 млн. квартира бўлгани ҳолда, қўриқлаш хизмати кўрсатиладиган хонадонлар бўйича энг паст кўрсаткичлар — Сирдарё вилоятида 0,2 фоиз (64 та хонадон), Фарғона вилоятида 0,2 фоиз (236 хонадон) ҳамда Сурхондарё вилоятида 0,3 фоиз (164 хонадон)ни ташкил этмокда.

2018 йилнинг 10 ойи мобайнида республикамиздаги

2316 ХОНАДОНДА

ЎҒРИЛИК ҚАЙД ЭТИЛГАН

Ҳужжатга мувофиқ, янгидан ташкил топадиган "Qo'riqlash Servis" давлат унитар корхонаси қўриқланадиган объектларда ўрнатиладиган қўриқлов техник воситалари ҳамда тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш, уларни монтажи, демонтажи, таъмирлаш бўйича ишларни бажарадиган бўлди. Демак, қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлов техник воситалари ва тизимлари, жумладан, автоматлаштирилган тизимнинг техник инфратузилма объектларига хизмат кўрсатиш ишлари фақат "Qo'riqlash Servis" ДУК томонидан амалга оширилади.

— Ушбу корхонада малакали мутахассислар жамланади, — дейди Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Асилбек Эшқобулов. — Улар белгиланган манзилга бориб, хонадон ёки объектни жиҳозлаб беришади. Бунинг учун жисмоний ёхуд юридик шахс томонидан ҳеч қандай тўлов амалга оширилмайди. Тўловлар фақат қўриқлаш хизматига 17000 сўм ойлик тўловни тўлаш билан кифояланади.

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг уй-жойлари ва хонадонларига қўриқлаш хизматини кўрсатиш мобайнида фойдаланишга бериладиган жиҳозлар ҳам, уни ўрнатиш ҳам, техник хизмат кўрсатиш ҳам бепул бўлади. Улар ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Албатта, бу каби ускуналар арзон турмайди. Боз устига, энди ўтган асрнинг 60 — 80-йилларида қўлланилган "Нева-10" ва "Нева-10М" каби алмисоқдан қолган воситалар ўрнига 2014 йилдан амалиётга киритилган "Приток-А" ускуналари қўлланилиши кўзда тутилмоқда.

Қарорда қўриқлаш бош бошқармаси 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга автоматлаштирилган тизимни жорий этиш учун олиб кириладиган жиҳоз, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий маҳсулотлар учун божхона тўловларидан озод этилади. Бундан ташқари, Қўриқлаш бош бошқармасига, истисно тариқасида, автоматлаштирилган тизимни жорий этиш мақсадида маҳаллий ва хорижий корхоналар билан товарларни харид қилиш ва етказиб бериш, шунингдек, хизмат кўрсатиш бўйича конкурс (тендер) савдоларини ўтказмасдан шартномалар тузишга рухсат этиладиган бўлди.

Дарвоқе, ҳужжатда ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати мутахассисларини чақиришнинг ягона қисқа рақами, шунингдек, техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига уланиш учун онлайн ариза расмийлаштириш тартибини ҳам қўллаш кўзда тутилган. Ўша рақамлар жорий этилганидан сўнг, албатта, матбуот орқали эълон қилинади.

Умуман айтганда, Президентимиз қарори ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини тубдан ошириш, шунингдек, мулкка бўлган тажовузни профилактика қилиш ҳамда олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Р. ОТАМУРОДОВ тайёрлади.

Мамлакатимиздаги

11 700 хонадонда

0,97% қўриқлаш ускуналари ўрнатилган

Ташаббус

Тадбиркор сўзининг устидан чиқди

Норин туманининг Шўрариқ маҳалласида давлат-хусусий шерикчилик асосидаги биринчи нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади.

Тадбиркор Муқаддас Асиева собиқ "Пахтақишлоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини биносини "ноль" қийматда олганди. Қайта қуриш ва жиҳозлаш тадбирлари учун 490 миллион сўм йўналтирилди.

— Муассасамиз 75 ўринли бўлиб, болаларга инглиз ва рус тиллари чуқур ўргатилади. Кейинчалик улар қаторидан корейс тили ҳам ўрин олади, — дейди М. Асиева. — Маҳалламиздаги 16 нафар педагог ва тарбиячи хотин-қизларни ишга қабул қилдик.

Норин туманида жорий йил охирига қадар яна учта нодавлат таълим муассасаси фойдаланишга топширилади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ.

МАДАМИНЖОН ҲАСАНОВ

Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг таниқли вакили, савдо тизими фахрийси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов шу йил 22 декабрь куни 94 ёшида вафот этди.

М. Ҳасанов 1924 йил Андижон вилоятида туғилган. Унинг ёшлиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, 1942 — 1946 йилларда фронт майдонларидаги оғир жангларда мардона иштирок этди. Фашизмга қарши курашдаги жасорати учун жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

У урушдан сўнг Москва олий кооператив марказий мактабини тугатиб, республикамизнинг турли савдо ташкилотларида хизмат қилди. Жумладан, 1956 — 1959 йилларда "Ўзбектекстильторг"нинг Андижон вилояти базаси директори, 1959 — 1966 йилларда "Ўзбекбирлашув" бошқарувининг раиси бўлиб ишлади.

М. Ҳасанов 1966 — 1979 йиллар мобайнида Ўзбекистон савдо вазири лавозимида самарали фаолият олиб борди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий фаолият билан ҳам шуғулланди. 1979 — 2004 йилларда "Соғломлаштириш маркази" илмий-тадқиқот муассасасига раҳбарлик қилди.

Ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида М. Ҳасанов кенг билими, катта ҳаётий тажрибаси ва шахсий намунаси билан республикамизда савдо тизимини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш ишларида жонбозлик кўрсатди.

У 2004 йилда нафақага чиққанидан сўнг Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг фаоли сифатида кўплаб ибратли ишларни амалга оширди. Хусусан, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни она Ватанга, халқимизга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бу борада кекса авлод вакилларининг фаол иштирокини таъминлашда ўзининг ташкилотчилик, ташаббускорлик ва фидойилик фазилатларини намоён этди.

М. Ҳасановнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими" фахрий унвони, "Жасорат" медали, "Меҳнат шуҳрати", "Дўстлик" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мадаминжон Ҳасановнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ж. ОРТИҚХЎЖАЕВ, Ш. ЖАЛИЛОВ

ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТНИНГ ҚОН ТОМИРИ, ОБИҲАЁТИ

"Она" сўзини онамиздан ташқари, бор-йўғи, учта воқеликка ишлатамиз: "Она замин", "Она Ватан", "Она тил". Қанчалик тараққий этмайлик, тамаддуннинг қайси поғонасида турмайлик, "Она" сўзини бошқа нарса ёки ҳодисага қўшолмаймиз, қўшсак, у сунъий ва ясама бўлиб қолади. "Она" сўзи — бу яралишни, ҳаёт бардавомлигини англатади.

Мушоҳада

Она замин, бу — инсон яшаб келаётган, унинг абадият ҳалқасидан узилмаслигига кафолат берадиган бирдан-бир сайёра, бирдан-бир замин, бирдан-бир асос.

Она Ватан — инсон яшаши, насл-насаб қолдириши, башариятга ўзининг ери, киндик қони тўкилган жойи борлигини кўз-кўз қилиб турадиган тупроқ.

Она тили — миллатнинг руҳи, маънавияти қанчалик азал-абадга дахлдорлиги, куч-қуввати, қудрати, имконияти, иззат-нафси, шаъни ва ғурури намояндаси, миллатнинг қон томири, обиҳаёти. Айнан шунинг учун ҳам она тили масаласи, бу — миллат учун ҳаёт-мамот масаласидир.

Биз, XXI аср одамлари ана шу оддий ҳикматга эътибор бермай қўйдик: бу билан ўзимиз ўтирган шохни аллақачон кеса бошладик. Агар шу "кесиш"да давом этсак, эртанги кун, албатта, тарихнинг тиллар мурдаси ётган ўпқонига йиқилиб тушамиз.

Қайсидир ижтимоий тармоқда ўзларини "замонавий" ҳисобловчи бир гуруҳ "дунёда қанча тиллар ўлди, лекин инсон яшаяпти", деб ёзиб чиқди. Бу билан ўзларининг она тилини унутганини, она тилида гаплашишдек мақомдан маҳрум бўлганини, она тили завқидан авлодларини ҳам мосуво қилганини, шу билан ўзларининг "ўзбек" деган ўзлигига абадий нуқта қўйганини яширмоқчи, хаспўшламоқчи бўлаётгани ҳам билиниб қолди.

Алалхусус, она тили, бу — фақат лингвистик ҳодиса эмас, бу тарихий, маънавий, фалсафий, ижтимоий ҳодисадир. Ҳар бир миллат ўзини фақат она тилида тўлиқ намоён қила олади, фақат шу тилда у ўзининг қудратини, қувватини, буюклигини, даҳолигини, нималарга қодирлигини, тарихдаги ўз миссиясини кўрсата билади. Бошқа тилда у шунчаки қайд этилувчи ҳодиса сифатида қолиб кетади, холос. Буни тарих, башарият ўтмиши кўп марта исботлаган.

"Ўлик тиллар" тўлиқ маънода яна миллатнинг қуввати, файзи, ўзлигига, яъни она тилига айлангунча минг йиллар керак бўлади. Чунки инсон мияси унинг тили билан уйғун ҳолатда яратилган, шундай экан, бирон миллатнинг тафаккурида, виждонида, маданиятида, иқтисодиётида, яшаш тарзида ноқислик бўлса, бу унинг, аввало, тилидаги ноқислик билан ҳамоҳангдир.

Шу сабабли она тилимизга бўлаётган эътиборсизлик, яқинда ўтказилган бир йиғилишда таъкидланганидек, бу фақат ҳужжатлардаги, мажлислардаги эътиборсизлик, лоқайдлик, ҳурматсизлик эмас, балки, энг аввало, ўша гуруҳнинг, ўша табақанинг ўз миллатига, ўз Ватанига, ўз аслиятига, ўз шаънига, ўз ғурурига, ўзлигига, ўз тарихига бўлган ҳурматсизлик, андишасизликдан хавотирланиш аломатидир.

Масалага чуқурлашмайлик. Оддий кундалик мисол. Тошкент кўчаларини бир кезинг. Тилга бўлган муносабатимиз кафтдагидек намоён бўлади: эълонлар, лавҳалар, номларни, жимжимадор қилиб бежалган рекламаларни ўқинг. Ўзингиз ҳаммасига гувоҳ бўласиз: давлат тилига ҳурмат-эҳтиром қай даражага тушиб қолган...

Тошкент — Ватан остонаси. Бу юртга келганлар пойтахтимиздаги манзараларни кўрибоқ, Ўзбекистон, ўзбеклар, ўзбек тили ҳақида хулоса чиқаради. Маблағ тежаш, тезроқ даромад олиш умидида ўлдажўлда, сийрати эмас суратига эътибор бериб тайёрланган лавҳалар, "Шунчаки эълон-да!" деб илиб қўйилган, хатоларга лиммолим эълонлар, рекламалар она тилимизга муносабатимизни кўрсатади. Бу — Ватанга, миллатга, ўзлигимизга муносабатимиз...

Кўчалардаги эълонлар, реклама баннерларидан тортиб, ҳукумат даражасида қабул қилинаётган ҳужжатларда давлат тилига бўлаётган беписандларча қарашнинг шундан бошқа ташхиси, асоси йўқ. Бу воқеликни бўрттириш ёки тирноқ остидан кир ахтариш эмас, балки агар тилга бўлган муносабатимиз шу тариқа давом этса, бизни кутаётган муқаррар фожиадан огоҳ қилишдир. Бу долзарб масалани ҳаммамиз жипслашиб ҳал этмасак, хатолардан хулоса чиқармасак, ўзбекча қилиб айтганда, бугун "этагимизни ёпмасак", бошимизга "ўлик тиллар" қисмати тушади ва биз яна минг йиллар тамаддун сарҳадларида ўзлигимизни, моҳиятимизни, қувват ва аслиятимизни излаб, сарсон-саргардон юришга мажбур бўламиз. Бугунги тилга бўлган ҳурматсизлигимиз бизни ана шу сабоқ билан рўбарў қилмоқда.

Бундай хато учун бизни авлодлар кечирмайди.

Бу ҳолат ҳар биримизни ҳушёр торттириши керак.

Назар ЭШОНҚУЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Агро-тўқимачилик кластери тузиш масаласи кўриб чиқилди

Инновацион ривожланиш вазирлигида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш ишлари доирасида Ҳиндистоннинг "Arvind Limited" тўқимачилик компанияси раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

— Компаниямиз тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, — дейди унинг пахтачилик ва агробизнес бўйича директори Прагнеш Шоҳ, — қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам фаолият юритади.

Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган янги иқтисодий-инвестицион сиёсат, хорижий сармоядорларга яратилаётган шароитлар, шунингдек, соҳада кластер лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Пахта етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агро-тўқимачилик кластерини яратиш масалалари муҳокама этилди.

Д. БУРХОНОВ.

ҚУМЛИ-ТУЗЛИ САҲРО ЧЕКИНАДИ

Орол яқин ўтмишда бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган, катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгаллаган денгиз эди. Афсуски, у бугунги кунда тирик организмлар ҳаёт кечириши учун яроқсиз ҳолга келди. Кейинги 50 йилда денгиз суви 8 марта камайиб, унинг қуриган ҳудудида 5 миллион гектардан зиёд қумли-тузли саҳро пайдо бўлди.

Жараён

Олимлар маълумотига кўра, ҳар йили атмосферага 75 миллион тоннадан зиёд чанг ва туз кўтарилмоқда. Ҳудуднинг ҳар гектар экин майдонига йилига 5 тоннага яқин туз ва чанг келиб тушмоқда. Ҳолбуки, минтақа аҳолисининг 29 фоизга яқини аграр секторда фаолият олиб боради. Оролбўйидаги экин ерлари 77,3 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, уларга бундай салбий таъсир ҳамон давом этмоқда.

Аҳоли ўртасида камқонлик, онкологик ва бошқа касалликлар кўпаймоқда. Қорақалпоғистонда гўдаклар ўлими ўртача кўрсаткичдан икки марта юқори. Оналар ўлими борасида ҳам мана шундай ҳолатни кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ушбу фожиа оқибатларини юмшатиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган қисқа давр мобайнида Президентимиз томонидан Оролбўйи минтақаси, шунингдек, Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Шу йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Юртбошимиз Қорақалпоғистонга, жумладан, экологик фожиа ўчоғи ҳисобланган Мўйноқ туманига ташриф буюрди. Ушбу ташриф якунлари бўйича яқин икки йилга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Унда жами 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 793 та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган.

Жорий йилнинг 27 ноябрь санаси мамлакатимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди, десак, муболаға эмас. Гап шундаки, шу куни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолият бошлади. Шу муносабат билан Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Президентимизнинг бу фондни ташкил этиш ташаббусини юксак баҳолаб, халқаро жамоатчиликни мазкур тузилмани молиялаштиришда фаол қатнашишга чақирди.

Бутун дунё учун хавфли бўлган ушбу тузли чанг тарқалиши жараёнини тўхтатишнинг самарали усулларидан бири Оролнинг қуриган ҳавзасига тузга чидамли чўл ўсимликларини экиш, минтақа аграр секторида сувни тежовчи инновацион технологияларни кенг жорий этишдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, айни кунларда денгизнинг қуриган ҳудудида 500 минг гектарлик ўрмон барпо қилиш жараёни қизғин давом эттирилмоқда. Мазкур хайрли ишга Оролбўйидаги барча ўрмон хўжаликларидан мингдан зиёд кишилар, 120 дан кўп техникалар жалб қилинган. Шу ернинг ўзида яшаш учун вагон ҳамда палаткалар ташкил этилган. Саксовулни уруғ ва кўчатдан экиш ишлари қизғин олиб борилаётир.

— Бизнинг жамоадан 30 киши бу эзгу ишда қатнашяпти, — дейди Қўнғирот ўрмон ва овчилик хўжалиги механизатори Нурман Тагрибергенов. — Тракторда уруғлик етказиб беряпман. Шу жараёнда иштирок этаётганимдан мамнунман.

Умуман, Оролбўйидаги экологик вазиятни юмшатиш ҳамда аҳоли учун нисбатан қулай шароит яратиш мақсадида ҳудудда улкан саксовулзорлар барпо қилинмоқда. Бу эса, вақти келиб, заминни қамраб олаётган тузли-қумли саҳро чекинишига умид уйғотади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тақдимот

МУЛЬТИБРЕНД АВТОСАЛОН

«ақлли шаҳар»нинг биринчи замонавий иншооти

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистондаги илк мультибренд автосалон очилди. Мазкур замонавий иншоот Президентимизнинг 2018 йил январь ойида Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берган топшириғига биноан жуда қисқа фурсатда барпо этилди. Зеро, бугунги тезкор замон, барча жабҳада кечаётган ўзгаришлар автомобиль савдосида ҳам янгиликларни қўллаш, хорижнинг илғор ютуқларини амалиётга татбиқ қилишни тақозо этаётган эди.

— 2400 квадрат метр майдонни эгаллаган мазкур автосалон ўрни бундан атиги уч ой олдин қуруқ ер эди, — дейди "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Умид Салимов. — У ушбу ҳудудда бунёд этилаётган "ақлли шаҳар"нинг меъморий ечимларига уйғун ҳолда, замонавий архитектура ютуқларидан фойдаланилган тарзда барпо қилинди. Янги автосалон турдошларидан нафақат ташқи қиёфаси, балки хизмат кўрсатиш қўламининг кенглиги билан ҳам фарқ қилади. Масалан, мижоз харид қилган автомашинаси учун зарур ҳужжатларни шу ерда расмийлаштириш, суғурта қилиш, ҳатто давлат рақамини олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Дарҳақиқат, ушбу дилерлик марказида асосий эътибор харидорларга юқори даражада хизмат кўрсатиш, қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган. Унинг "шоу-руми"да "GM Uzbekistan" заводида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар қаторида, "SamAvto", "JV MAN Auto-Uzbekistan" ҳамда "UzAutoTrailer" каби корхоналарнинг "MAN", "Isuzu" ва "Kamaz" брендлари остидаги юк машиналари ҳамда махсус транспорт воситалари доимий равишда тақдим этилади. Шунингдек, мазкур автоуловларга зарур эҳтиёт қисмларни ҳам шу ердан топиш, сервис хизматларидан фойдаланиш мумкин. Чунки унинг сервис ҳудуди илғор ускуна ва қурилмалар билан жиҳозланган. Бу эса даврий кафолатли техник хизматдан ташқари, исталган турдаги тезкор сервис хизматлари кўрсатиш имконини беради.

Яна бир аҳамиятли томони, 100 киши меҳнат қилаётган мультибренд автосалонда автосуғурта, автомобиль харид қилиш жараёнида давлат рақамларини расмийлаштириш каби хизматлар ҳам кўрсатилади. Банк филиали очилгани эса ташриф буюрувчилар учун қўшимча қулайликдир.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мажмуа очилиш маросими доирасида шу йилнинг 10 декабридан савдога чиқарилган янги "Tracker" автомобилининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

— Мазкур модель оилавий автомобиль ҳисобланади, — дейди "GM Uzbekistan" АЖ бўлими бошлиғи Ойбек Эгамбердиев. — У "GM Uzbekistan" заводининг Тошкент шаҳридаги филиалида йиғилмоқда. Ушбу русум ўзида замонавийлик ва юқори даражадаги қулайликни мужассамлаштирган. Хавфсизлик тизимлари халқаро стандартларга тўла мос келади. Қолаверса, ташқи дизайни, ички безаклари ҳам ўзига хос. Шу боис ушбу моделга ички бозорда талаб катта. Ўтган қисқа муддатда 1000 дан ортиқ ана шундай автомобиллар сотилгани бунинг тасдиғидир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтилганидек, замонавий мультибренд автосалон Янги йилда Тошкент шаҳрида, келгусида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДАН 26 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон "Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) "Ягона счётлар режаси"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078. (2019 йил 1 январдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 3, 51, 131-сон "Бошоқли дон экинлари сомони ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-2. (2018 йил 22 октябрдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/8-сон "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-16. (2018 йил 25 октябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 24 сентябрдаги 343-В-2, 42-сон "Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-2. (2019 йил 27 январдан кучга киради).

5. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 октябрдаги 12-мҳ-сон "Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-1. (2018 йил 26 октябрдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079. (2018 йил 26 октябрдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/14-сон "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080. (2018 йил 27 октябрдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/15-сон "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигациялари чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-5. (2018 йил 27 октябрдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/9-сон "Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-6. (2018 йил 27 октябрдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 02/29-10/36, 132-сон "Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-6. (2019 йил 1 январдан кучга киради).

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 22 октябрдаги 135, 32, 2018-67, 257-В-3, 4-кк-сон "Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1411-3. (2018 йил 27 октябрдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг "Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 июлдаги 385-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигациялари чиқарилиши ва муомаласи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1140, 2002 йил 16 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1140-1, 2010 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1140-2, 2014 йил 25 ноябрь), (рўйхат рақами 1140-3, 2016 йил 13 январь), (рўйхат рақами 1140-4, 2017 йил 26 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 октябрдаги 503-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви, Давлат статистика қўмитасининг "Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1411, 2004 йил 17 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1411-1, 2013 йил 30 июль), (рўйхат рақами 1411-2, 2015 йил 12 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 26 октябрдаги 506-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Хабар

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШГА ҚАЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛАСИЗ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аксарият касалликларнинг юзага келишига нотўғри овқатланиш сабаб бўлмоқда. Хусусан, семизлик, камқонлик, қандли диабет, юрак-қон томир, жигар, буйрак хасталикларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ушбу муаммо асосий омилдир.

Мутахассис минбари

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистонда ноинфекцион сурункали касалликларнинг келиб чиқишига аҳолининг ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, шакар ҳамда тузни меъёрдан кўп истеъмол қилиши, кўп чой ичиши, гўшт ва сут маҳсулотлари, мева ҳамда кўкатлар каби биологик моддаларга бой маҳсулотларни кам тановул қилиши асосий сабаблар сифатида кўрсатилган.

Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда Президентимиз томонидан 2018 йил 18 декабрда "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Унга мувофиқ, 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси қабул қилингани мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини кучайтириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у жисмоний фаоллик, зарарли одатлар, яъни гиёҳвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимликлар истеъмолига қарши кураш ва рационал овқатланиш каби тадбирларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу ўринда инсон организмига таъсир этувчи минглаб омиллар орасида овқатланиш, айниқса, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда эса парҳезбоп таомлар истеъмол қилиш етакчи аҳамиятга эга эканини ёдда тутиш лозим. Овқатланиш тиббий нуқтаи назардан ёш, тана тузилиши, иқлим, мабодо касаллик бўлса, унинг тури ҳамда давридан келиб чиқиб хасталикнинг олдини олиш учун ҳар хил тартиб ва таркибда тавсия этилади.

Организм меъёрида фаолият кўрсатиши учун 600 дан ортиқ озуқалар керак. Бунга фақат рационал овқатланиш орқалигина эришиш мумкин. Лекин кўпчилик "рационал овқатланиш" деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомларни истеъмол қилишни тушунади. Аслида истеъмол қилинадиган таомлар организм тикланишини таъминласа, йўқотилган энергияга бўлган талабни қондирса, таркибида зарур даражада оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, микро-макроэлементлар, ўсимлик толалари сақланса ҳамда озиқ-овқатлар ва уларнинг таркиби, миқдори ошқозон-ичак тизими ферментлари фаоллиги билан мос келса, буни рационал овқатланиш сифатида қабул қилиш мумкин.

Овқатланиш тартиби ҳамда мутаносиблиги инсоннинг ишга лаёқатлилигини таъминлаш ва соғлиғини сақлаш, организмда алмашинув жараёнларини тартибга солишда муҳимдир. Замонавий кўринишдаги рационал овқатланиш назарияси асоси — мувозанатлаштирилган овқатланиш концепцияси олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра, овқат рациони таркибига организм учун керак бўлган озуқавий моддаларнинг олти тури: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва сув киритилиши керак.

Концепциянинг биринчи қоидасига мувофиқ, қабул қилинаётган ҳамда сарфланаётган энергияни ҳисоблаш, у ёки бу таомнинг таркибий қисми қанча қувватга эга эканини билиш зарур. Одамнинг кунлик қувват сарфини аниқлаш учун асосий алмашинув, овқатнинг специфик динамик таъсири ва ҳар хил фаолият турлари қўшиб чиқилади.

Физиология нуқтаи назаридан барча сарфланадиган қувватнинг 40 фоизи асосий жисмоний фаоллик ҳиссасига тўғри келиши керак. Кунлик қувват сарфи аниқлангандан кейин қабул қилинаётган ва сарфланаётган энергия миқдорига қараб овқат рационини тузиш мумкин.

Хўш, овқатнинг қувват қиймати қандай аниқланади? Биз истеъмол қиладиган овқат таркибида оқсил, ёғ ҳамда углеводлар бор. Организмда овқат маҳсулотларининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлган энергияни иссиқлик энергияси бирлиги килокалория ёки киложоулда (1 ккал = 4,186 кж) ўлчаш қабул қилинган. Ҳар бир овқат маҳсулоти ўзининг иссиқлик коэффициенти — иссиқлик миқдорига эга. У 1 грамм овқат маҳсулотининг танага сўрилиши натижасида ҳосил бўлади, оқсиллар ва углеводлар учун иссиқлик коэффициенти 4 ккалга, ёғлар учун 9 ккалга тенг. Одамдаги асосий алмашинувни ва овқат маҳсулотларининг иссиқлик коэффициентини билган ҳолда, овқат рационини тузиб чиқиш зарур. Бунда қабул қилинаётган ҳамда сарфланаётган энергиянинг мослигига амал қилиш шарт.

Овқатни куннинг қайси қисмида истеъмол қилиш ҳам муҳим омилдир. Таомланишда вақтни ҳисобга олиш шартли рефлекслар ҳосил бўлишига олиб келади ва ўз навбатида, организмни овқат қабул қилишга тайёрлайди. Овқатланиш орасидаги вақт, кун тартибининг қандайлигидан қатъи назар, маълум танаффуслардан иборат бўлиши керак, жумладан, нонушта ва тушлик, тушлик ҳамда кечки овқат оралиғидаги вақт 5-6 соатни, уйқудан олдинги овқатланиш 1,5-2 соатни ташкил қилиши лозим.

Кунига тўрт маҳал овқатланиш тавсия қилинади. Кунлик истеъмолнинг 20 — 25 фоизи нонушта, 15 — 20 фоизи иккинчи нонушта, 35 — 40 фоизи тушлик, 20 — 25 фоизи кечки овқат ҳисобига тўлдирилиши керак. Иккинчи нонушта ўрнига мева-чева еса ҳам бўлади.

Ҳар бир овқатланишда овқатнинг таркибий қисмига эътибор бериш лозим. Чунки оқсилга бой овқат асаб тизими қўзғалувчанлигини оширади. Шунинг учун уни куннинг биринчи ярмида — организм фаоллик кўрсатувчи қисмида истеъмол қилган маъқул. Уйқудан олдин асаб тизимини қўзғатиш ярамайди, бу, ўз навбатида, чуқур уйқу ҳолатини юзага келтириши мумкин. Кечки овқат кам миқдорда, енгил, сабзавотлар ва сут маҳсулотларидан иборат бўлиши зарур.

Соғлом овқатланиш маданияти қандайдир парҳез тутиш, вегетарианча овқатланиш ёки дастурхонни безашни эмас, инсон организмининг ички муҳит доимийлиги (гомеостаз) ҳамда юқори даражадаги ҳаёт тарзини таъминловчи физиологик тўлақонли овқатланишни англатади.

Биз истеъмол қилаётган маҳсулотлар ақлий фаолиятнинг тезлигини белгилаб беради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг айримлари ақл-идрокни чархлайди, асаб тизимини барқарорлаштиради, тезроқ, чуқурроқ ўйлашга ёрдам беради. Шу маънода, қулупнай, сабзи, ананас, қалампир, банан, карам, лимон, гилос, черника, ёнғоқ, занжабил, зира, пиёз, балиқ ёғи ва лецитин, кунгабоқар пистаси, сабзавотлар, кўкатлар, тухум ва ёрмалар, буғдой кепаги ҳамда дони асаб тизими барқарорлашишига ва ақл-идрокнинг теранлашишига ёрдам беради.

Тўғри овқатланиш кишиларнинг меҳнат қобилияти пасайишига олиб келувчи турли касалликлар ривожланишининг олдини олади. Соғлом инсон эса узоқ ва бахтли ҳаёт кечиради.

Гули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ақл-идрокни теранлаштирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари

Шунингдек, ушбу ноз-неъматлар асаб тизимини барқарорлаштиради, тезроқ, чуқурроқ ўйлашга ёрдам беради.

Кунига тўрт маҳал овқатланиш тавсия қилинади

Кунлик истеъмол таркиби:

20 — 25 фоизи нонушта,
15 — 20 фоизи иккинчи нонушта,
35 — 40 фоизи тушлик,
20 — 25 фоизи кечки овқат.

Иккинчи нонушта ўрнига мева-чева еса ҳам бўлади.

Овқатланиш орасидаги вақт, кун тартибининг қандайлигидан қатъи назар, маълум танаффуслардан иборат бўлиши керак.

Жумладан:
нонушта ва тушлик, тушлик ҳамда кечки овқат оралиғидаги вақт 5-6 соатни, уйқудан олдинги овқатланиш 1,5-2 соатни ташкил қилиши лозим.

БОЖХОНА *хабарлари*

Экспертиза ойдинлик киритди

Марғилон шаҳридаги фуқаро Р. Ё. хонадонида оч яшил рангли, ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддалари яширилгани аниқланди.

Экспертиза хулосасига кўра, топилган ашёвий далиллар 774 грамм "марихуана" ва 2 грамм "кўкнори сомони" гиёҳвандлик моддаси эканлиги тасдиқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Эгаси бор, ҳужжати йўқ

Пойтахтимиз савдо мажмуаларининг бири ёнида фуқаро М. Х. бошқарувидаги "Нексия-2" русумли автомашина текширувдан ўтказилди.

Унинг салони ва юкхонасида хорижда ишлаб чиқарилган 361 дона янги мобиль телефон аппарати борлиги аниқланди. М. Х. 567 миллион сўмлик бу юкка тегишли ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади.

Қизиқарли медиа-тур

Бухорода "Ислоҳотларнинг божхона органларида тутган ўрни" мавзуида медиа-тур ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари божхона органлари фаолияти билан танишиш асосида унда қўлланиладиган махсус техника воситалари борасида ҳам кенг қамровли маълумотга эга бўлдилар. ОАВ вакиллари божхона постларида экспорт, импорт операциялари амалиёти билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жамоатчилик маслаҳат кенгаши

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутатлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида вилоят божхона бошқармаси томонидан 2018 йил давомида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлишди.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати материаллари асосида Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.

Имконият

Солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Навоий вилоятида шу кунга қадар 266 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини қайта тиклаб, уларнинг 1,8 миллиард сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди.

— Бир неча йилдан бери давлатдан молиявий жарима бўйича қарзларимни тугатиш масаласини ечолмай қийналиб юрган эдим, — дейди фуқаро Аъзам Супонов. — Менинг 67,8 миллион сўмлик солиқ қарзларим ҳисобдан чиқарилди.

Солиқ қарзи бор тадбиркорлар 2019 йил 1 январига қадар юқоридаги Фармонда қайд этилган имкониятлардан фойдаланишлари мумкин.

Э. ТЕМУРОВ.

Ўқувчилар учун интернетнинг ўрнини босувчи қурилма

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Сурхондарё вилоятининг 100 та умумий ўрта таълим мактабига Qbox ускунасини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу инновацион қурилма дастлаб Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига туҳфа этилди.

Инновация

Qbox — республикамизнинг чекка ҳудудларидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ҳамда талабаларга мўлжалланган таълим дастурларини ва маълумотлар базасини ўз ичига олган улкан контентдир. Унга компьютер, смартфон, планшет, ноутбук орқали худди Wi-Fiга уланган дек боғланиб, исталган ресурслардан фойдаланиш мумкин. Бошқача айтганда, интернетга уланмасдан туриб, керакли маълумотларни мазкур тармоқ орқали олиш имконияти бор. Муҳими, мавжуд ресурсларнинг барчаси махсус ишчи гуруҳ тасдиғидан ўтган, текширилган ва миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан хавфсиз эканлигини таъкидлаш лозим. Qboxда инглиз, рус, француз, немис, корейс, хитой ва бошқа тилларни ўргатувчи замонавий интерактив курслар, таржимонлар, энциклопедиялар ва бошқа керакли ўқув дастурлари ҳам бор.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи — Edubook ускунаси билан мактабларни жиҳозлашдир. Чунки персонал компьютерлар нархларининг юқорилиги кўп мактабларда, айниқса, қишлоқ жойларда моддий-техника базасининг етишмаслигига олиб келмоқда. Натижада болаларнинг юқори технологиялар ёрдамида интерактив илм олиш жараёни кечикиб, айнан шу соҳада ривожланишдан ортда қолмоқдамиз. Арзон ва болаларнинг илм олиши учун мўлжалланган махсус дастурли Edubook компьютерлари ушбу муаммони ечишга қаратилган. Мазкур компьютерларда астрономия, геометрия ва чизмачилик, географияга алоқадор 3D чизмалар, махсус лаборатория ишлари ва энг асосийси, болалар учун рақамли кодлаш дастурлари ўрнатилган.

Келажакда ҳар бир соҳа электрон ва рақамли тизимга ўтиши муқаррар. Демак, янги компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, халқаро стандартларга эришиб, ўқув жараёнининг янги босқичига кўтарилиш даври келди ва бунга биринчи қадамлар ҳам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги материаллари асосида Д. СОДИҚОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

амкодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва ғилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчқили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail:amkodortashkent@mail.ru,www.amkodor.uz,www.amkodor.by

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси билан 2018 йил 4 декабрда тузилган 269/2018-12-сонли шартномага асосан, **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 18 — 21 январь** кунлари ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«DAEWOO NEXIA SOHC»	2001 й.	01 756 FAA	0032976
2.	«NEXIA SOHC GLE»	2005 й.	01 738 QAA	0032977
3.	«NEXIA SOHC GLE»	2005 й.	01 728 EAA	0032968
4.	«NEXIA SOHC GLE»	2005 й.	01 765 FAA	0033299
5.	«DAEWOO NEXIA DOHC»	2004 й.	01 389 FAA	0032978
6.	«DAEWOO NEXIA DOHC»	2007 й.	01 736 QAA	0032970
7.	«NEXIA SOHC»	2005 й.	01 725 EAA	0032969
8.	«LACETTI 1,8 A/T»	2010 й.	01 442 TDA	0032967
9.	«HYNDAI GRANDEUR»	2001 й.	01 052 OBA	0032973
10.	«OPEL OMEGA 2,6»	2003 й.	01 749 DFA	0033335
11.	«CHEVROLET EPICA»	2009 й.	01 799 DFA	0032972
12.	«CHEVROLET EPICA»	2008 й.	01 760 DAA	0032971
13.	«УАЗ-3909»	2001 й.	01 495 FAA	0032975
14.	«УАЗ 3163-121»	2010 й.	01 798 OBA	0032974

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тикланиш кўчаси, 19-«А» уйда жойлашган Автохўжалик ҳудуди.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

11163/987

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 17.10 Топширилди — 21.00 1 3 4 5 6